

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ГЕОЛОГИЯ ВА МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **388** Ўзбекистон Республикаси фойдали қазилмалари захираларини ҳисобга олиш ва ҳисобот балансларини тузиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил  
22 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2699*

Ўзбекистон Республикасининг «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги 206-сонли «Ўзбекистон Республикаси фойдали қазилмалари захираларининг давлат балансини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси фойдали қазилмалари захираларини ҳисобга олиш ва ҳисобот балансларини тузиш бўйича йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис**

**И. ТУРАМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2015 йил 3 июль,  
1-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат геология ва минерал ресурслар  
қўмитасининг 2015 йил 3 июлдаги  
1-сонли қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси фойдали қазилмалари  
захираларини ҳисобга олиш ва ҳисобот  
балансларини тузиш бўйича  
ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги 206-сонли «Ўзбекистон Республикаси фойдали қазилмалари захираларининг давлат балансини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фойдали қазилмалари захираларини (бундан буён матнда фойдали қазилмалар захиралари деб юритилади) ҳисобга олиш ва ҳисобот балансларини тузиш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**фойдали қазилмалар захиралари тоифалари (А, В, С<sub>1</sub>, С<sub>2</sub>)** — конларнинг ўрганилганлик даражаси, хом ашё сифати ва фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг кончилик-техникавий шарт-шароитларга боғлиқ ҳолда белгиланадиган захиралар тоифаси;

**фойдали қазилмаларнинг балансдаги захиралари (балансдаги захиралар)** — жорий даврда фойдаланиш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлган захиралар (кон захираларини ҳисоблаб чиқиш учун белгиланган кондицияларни қондиради);

**фойдали қазилмаларнинг балансдан ташқари захиралари (балансдан ташқари захиралар)** — баланс захирасини ўрганилганлик бўйича тақдим қилинадиган талабларга жавоб берадиган, бироқ баҳолаш вақтида кончилик-техникавий, сифат, экологик ва бошқа сабабларга кўра фойдаланиш мумкин бўлмаган, шунингдек кейинчалик саноат йўсинида ўзлаштириш объекти бўлиши мумкин бўлган захиралар;

**фойдали қазилма кони** — ер қаърининг миқдори ва сифати жиҳатидан ишга солиш объекти бўлиши мумкин бўлган фойдали қазилмалари бор участкаси.

2. Фойдали қазилмалар захираларини ҳисобга олиш ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан конлар бўйича алоҳида, зарур ҳолларда уларнинг участкалари, алоҳида қатламлар, горизонтлар, шахта майдонлари, фойдали қазилмаларнинг саноат тури, уларни қазиб олиш усуллари ва захиралар тоифаси бўйича амалга оширилади.

3. Ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан ҳар йили 1 февралга қадар чегириладиган захиралар (амалга оширилган казиб чиқаришлар ва йўқотишлар) ҳажми, казиб чиқариш жараёнида исботланмаган ёки қўшимча равишда кўпайтириш ҳисобига техник чегараларнинг ўзгариши, захираларни ҳисобдан чиқариш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фойдали қазилмалар захиралари бўйича Давлат комиссияси (бундан буён матнда Давлат комиссияси деб юритилади) қарорлари, шунингдек идоравий комиссияларнинг тезкор ҳисоблаб чиқилган захираларни синовдан ўтказиш бўйича баённомалари асосида ўтган йил учун фойдали қазилмалар захираларининг ҳисобот баланслари (бундан буён матнда ҳисобот баланси деб юритилади) тузилади.

4. Ҳисобот баланси:

қаттиқ фойдали қазилмалар;

ер ости сувлари;

кўмир ва ёнувчи сланецлар;

нефть, конденсат, ёнувчи газлар (жумладан йўлдош компонентлар — этан, пропан, бутан, олтингургурт, гелий) бўйича алоҳида тузилади.

## **2-боб. Фойдали қазилмалар захираларини ҳисобга олиш**

5. Ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан фойдали қазилмалар захиралари қуйидагилар бўйича алоҳида ҳисобга олиниши зарур:

фойдали қазилмаларнинг балансдаги ва балансдан ташқари захиралари;

конлар — уларнинг участкалари, уюмлари, қатламлари, горизонтлари, маъданли жинслари, шахта майдонлари ва кесимлари;

фойдали қазилмаларнинг саноат тури ва навлари (маркаси);

казиб олиш усуллари;

фойдали қазилмалар захиралари тоифалари (А, В, С<sub>1</sub>, С<sub>2</sub>);

фойдали қазилмалар конларини ўрганилганлик ва саноат йўсинида ўзлаштириш даражаси (қидирилаётган, саноат йўсинида ўзлаштиришга тайёрланган, казиб олинадиган, консервация қилинган).

6. Геология-разведка ишларини олиб бориш чоғида қўшимча равишда (йўл-йўлакай) казиб чиқариш ишлари амалга оширилаётган, шунингдек Давлат комиссиясининг экспертизасидан ўтмаган, бироқ геология-разведка ишлари олиб борилиши натижасида тезкор ҳисоблаб чиқилган ва идоравий комиссияларнинг синовдан ўтказиш бўйича баённомаларида акс эттирилган фойдали қазилма конлари қидирилаётган конлар қаторига киритилади.

7. Фойдали қазилмаларни казиб олиш ва қайта ишлаш технологиясини ўрганиш учун фойдали қазилмалардан намуна олиш ёки тажриба-саноат йўсинида казиб чиқариш ишлари амалга оширилаётган фойдали қазилма конлари саноат йўсинида ўзлаштиришга тайёрланган конлар қаторига киради.

8. Саноат йўсинида казиб олинаётган фойдали қазилма конлари уларда фойдали қазилмаларни казиб чиқариш ишлари олиб борилиши ёки уларда

қазиб чиқариш билан бир вақтда геология-разведка ишлари олиб борилишидан қатъи назар, ушбу фойдали қазилма конлари қазиб олинаётган конлар қаторига киради.

9. Геология-разведка ёки қазиб чиқариш ишлари тугатилган фойдали қазилма конлари консервацияланган конлар қаторига киради.

10. Ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан фойдали қазилмалар захиралари конларини ҳисобга олишда уларнинг ўрганилганлик ва саноат йўсинида ўзлаштирилиши даражаси фойдали қазилма конида олиб борилган ишлар ҳажмининг юқори аҳамиятга эга бўлган даражаси бўйича белгиланади.

11. Қўшимча равишда (йўл-йўлакай), намуна олиш ҳамда тажриба-саноат йўсинида қазиб чиқарилган фойдали қазилмалар ҳисобга олинаётганда қазиб чиқарилган фойдали қазилмаларнинг умумий миқдорига қўшилади.

12. Давлат комиссияси томонидан тасдиқланган фойдали қазилмалар захиралари, шунингдек бирга учровчи фойдали компонентларни қазиб чиқариш ва қайта ишлаш вақтидаги камайишлар (разубоживание) ва йўқотишлардан қатъи назар, уларнинг ер қаърида мавжудлиги бўйича ҳисобга олинади.

13. Саноат учун аҳамиятини йўқотган ёки кейинчалик ўтказилган геология-разведка ишларида ёхуд фойдали қазилма конини ишга солишда тасдиқланмаган фойдали қазилма захираларини ер ости бойликларидан фойдаланувчининг балансида чиқариш Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 9 ноябрдаги 232-сонли қарори билан тасдиқланган Саноат учун аҳамиятини йўқотган ёки кейинчалик ўтказилган геология-разведка ишларида ёхуд конни ишга солишда тасдиқланмаган фойдали қазилма захираларини ер ости бойликларидан фойдаланувчининг ҳисобидан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

### **3-боб. Ҳисобот балансини тузиш**

#### **1-§. Умумий қоидалар**

14. Ҳисобот балансида қуйидаги маълумотлар акс эттирилиши керак:

- ер қаъридан фойдаланувчининг номи ва манзили;
- фойдали қазилмалар захираларини қабул қилиш-бериш бўйича идоравий комиссияси баённомасининг тартиб рақами ва санаси (энг охиригиси);
- фойдали қазилмалар номи;
- фойдали қазилмалар конларининг жойлашган жойи;
- фойдали қазилмалар конларининг ўрганилганлик ва саноат йўсинида ўзлаштириш даражаси;
- фойдали қазилмаларнинг сифати;
- фойдали қазилмалар захираларининг конлар, алоҳида участкалар, қатламлар, горизонтлар ва бошқалар кесимидаги ҳажми;
- конлардан фойдаланишда фойдали қазилмаларни ҳар йилги қазиб чиқариш (қазиб чиқаришда йўқотишни ҳисобга олган ҳолда) ҳажми;

фойдали қазилмалар захираларининг геологик ўрганиш, қайта баҳолаш ва ҳисобдан чиқариш натижасида турли сабабларга (қазиб олишда исботланмаганда, чегаралари ўзгарганда ва бошқа ҳолатларда) кўра ўзгарган ҳажми;

Давлат комиссиясининг конни давлат балансида ҳисобга олиш учун асос ҳисобланган фойдали қазилмалар захираларини тасдиқлаш бўйича тегишли қарори (баённомаси)нинг тартиб рақами ва санаси (энг охиригиси).

15. Ҳисобот баланси юридик шахс — ер қаъридан фойдаланувчи раҳбари ва бош геологи (бош муҳандиси) томонидан имзоланади. Агар ер қаъридан фойдаланувчи жисмоний шахс ҳисобланса, ягона шахснинг имзосига рухсат берилади.

16. Қаттиқ (металл ва нометалл) фойдали қазилмалар ҳамда кўмир ва ёнувчи сланецлар захиралари ҳисобот баланслари геодезия ва картография фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензияси мавжуд бўлганда ер қаъридан фойдаланувчиларнинг геология-маркшейдерлик хизматлари томонидан тасдиқланиши ҳамда «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси билан келишилиши керак.

Ер қаъридан фойдаланувчиларда геодезия ва картография фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензияси мавжуд бўлмаганда, ҳисобот балансларини мазкур лицензияга эга бўлган жалб этилган корхоналар томонидан тасдиқланишига рухсат берилади.

Эксплуатацион чучук ва кам шўрланган сув ҳамда эксплуатацион саноат ва минерал суви захиралари ҳисобот баланслари, шунингдек нефть, конденсат, ёнувчи газлар, этан, пропан, бутан, олтингугурт ва гелий захиралари ҳисобот баланслари ер қаъридан фойдаланувчиларнинг тегишли функциялар юкланган бошқа хизматлари томонидан тасдиқлашга рухсат берилди ва «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси билан келишилади.

Чучук, кам шўрланган, саноат ва минерал сув захиралари ҳисобот баланси Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг Гидрогеология ва муҳандислик геологияси институти томонидан тузилади ҳамда тасдиқланади ва у «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси билан келишилиши талаб этилмайди.

17. Ҳисобот баланси уч нусхада тузилади ва ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан ҳар йили 5 февралдан кечикмасдан Давлат геология фондига юборилади.

Ҳисобот баланси Давлат геология фондига қабул қилингандан кейин бир нусхаси тегишли белги билан ер қаъридан фойдаланувчига қайтарилади. Иккинчи нусхаси «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясига тақдим қилиниши керак.

18. Ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан ҳисобот балансларини тузишда мазкур Йўриқноманинг 1-илоvasида келтирилган ўлчов бирликлари қўлланилади.

Қазиб чиқарилган ҳамда қайта ишлаш вақтидаги йўқотилган фойдали қазилмалар захиралари ҳисобот балансларида бир хил ўлчовда кўрсатилиши шарт.

## 2-§. Қаттиқ (металл ва нометалл) фойдали қазилмалар захиралари ҳисобот балансини тузиш

19. Қаттиқ (металл ва нометалл) фойдали қазилмалар захиралари ҳисобот баланси мазкур Йўриқноманинг 2-иловасига мувофиқ шаклда тузилади.

20. Мазкур шаклда қаттиқ (металл ва нометалл) фойдали қазилмалар захираларининг  $A + B + C_1$  ва  $C_2$  тоифаларига оид ўтган йил ва ҳисобот йили бошидаги захиралар миқдори тўғрисидаги маълумотлар келтирилади.

21. Қаттиқ (металл ва нометалл) фойдали қазилмалар захиралари миқдорининг ўзгариши (кўпайиши ёки камайиши) тегишлича  $A + B + C_1$  ва  $C_2$  тоифалари бўйича кўрсатилиши зарур.

22. Табиий ҳолида ишлатиладиган фойдали қазилмалар (гиллар, кумлар, оҳактошлар ва бошқалар), шунингдек минерал тузларнинг захиралари табиий намлиги ҳолатида, намлик даражасини кўрсатган ҳолда ҳисобга олинади. Қиймати, унинг таркибидаги фойдали компонентлар билан ўлчанадиган бошқа қолган минерал хом ашё захиралари, қоида тариқасида, маъданнинг қуруқ ҳолатдаги оғирлиги бўйича ҳисобга олинади.

23. Битта фойдали қазилма конидан қазиб чиқариладиган минерал хом ашё захиралари саноатнинг бир нечта тармоқларида фойдаланилган ҳолда (масалан, цемент, флюс, технологик оҳактошлар ёки шиша, формовка, қурилишга оид кумлар), ушбу кон захиралари кўпроқ фойдаланиладиган минерал хом ашё захиралари бўйича битта ҳисобот балансида кўрсатилади, минерал хом ашё захиралари саноат соҳасининг ҳар бири учун алоҳида тасдиқланган ҳоллар бундан мустасно.

24. Ҳисобот балансида фойдали қазилмалар захираларининг ҳар бир тури бўйича фойдали компонентларнинг ва зарарли аралашмаларнинг ўртача миқдори ёки фойдали қазилмаларнинг ўртача чиқиши (масалан, каолин чиқиши фоизларда, қопламабоп тошлар блокининг ўртача чиқиши фоизларда ва шу кабилар) алоҳида-алоҳида кўрсатилади. Ўртача миқдор ҳисобот давридан кейинги йилнинг бошидаги ҳолат бўйича кўрсатилади.

## 3-§. Ер ости суви захиралари ҳисобот балансини тузиш

25. Ер ости суви захираларининг ҳисобот баланслари чучук, кам шўрланган, саноат ва минерал сув захиралари, эксплуатацион чучук ва кам шўрланган сув захиралари ҳамда эксплуатацион саноат ва минерал сув захиралари бўйича алоҳида тузилади.

26. Чучук, кам шўрланган, саноат ва минерал сув захиралари ҳисобот баланси мазкур Йўриқноманинг 3-иловасига мувофиқ шаклда тузилади ва унда захирада бўлган:

ичимлик суви сифатида фойдаланиш учун мўлжалланган чучук ва кам шўрланган сувлар;

бальнеологияда фойдаланиладиган сувлар ва шифобахш минерал сувлар; даволаниш учун фойдаланиладиган ичимлик сувлари;

ишлаб чиқариш (техник) сувлари;  
ерларни суғориш учун фойдаланиладиган сувлар;  
вертикал дренаж қудуқларида сув сатҳини пасайтириш учун фойдаланиладиган сувлар;  
яйловларга чиқариладиган сувлар;  
шахта (карьер, штольня, шурф ва бошқа)лардан чиқарилган сувлар;  
фойдали компонентларни ажратиб олиш учун фойдаланиладиган саноат сувлари;

иссиқлик таъминоти учун фойдаланиладиган сувлар;  
бошқа истеъмол сувлари бўйича маълумот кўрсатилади.

27. Мазкур ҳисобот балансида ер ости суви захиралари конлар ва маъмурий-худудий бирликлари кесимида умумлаштирилади.

28. Эксплуатацион чучук ва кам шўрланган сув захиралари ҳисобот баланси мазкур Йўриқноманинг 4-иловасига мувофиқ шаклда тузилади ва унда эксплуатация қилинадиган:

ичимлик суви сифатида фойдаланиш учун мўлжалланган чучук ва кам шўрланган сувлар;

ишлаб чиқариш (техник) сувлари;  
ерларни суғориш учун фойдаланиладиган сувлар;  
вертикал дренаж қудуқларида сув сатҳини пасайтириш учун фойдаланиладиган сувлар;  
яйловларга чиқариладиган сувлар;  
шахта (карьер, штольня, шурф ва бошқа)лардан чиқарилган сувлар бўйича маълумот кўрсатилади.

29. Эксплуатацион саноат ва минерал суви захиралари ҳисобот баланси мазкур Йўриқноманинг 5-иловасига мувофиқ шаклда тузилади ва унда эксплуатация қилинадиган:

фойдали компонентларни ажратиб олиш учун фойдаланиладиган саноат сувлари;

бальнеологияда фойдаланиладиган ва шифобахш минерал сувлар;  
даволаниш учун фойдаланиладиган ичимлик сувлари;  
ичимлик суви сифатида фойдаланиш учун мўлжалланган чучук ва кам шўрланган сувлар;  
иссиқлик таъминоти учун фойдаланиладиган сувлар;  
бошқа истеъмол сувлари бўйича маълумот кўрсатилади.

30. Ҳисобот балансида ер ости сувидан фойдаланиш мақсади ва имконияти уларнинг умумий минерал таркиби, улардаги маълум кимёвий компонентларнинг миқдори, бактериологик кўрсаткичлари ва тегишли махсус техник топшириқларга асосан ирригация коэффицентларига мувофиқ аниқланади.

31. Ягона ер ости суви кони доирасида бир нечта эксплуатацион участкалар мавжуд бўлганда, ер ости сувлари захиралари конлар бўйича ҳам гуруҳланади.

#### **4-§. Кўмир ва ёнувчи сланецлар захиралари ҳисобот балансини тузиш**

32. Кўмир ва ёнувчи сланецлар захиралари ҳисобот баланси мазкур Йўриқноманинг 6-иловасига мувофиқ шаклда тузилади.

33. Мазкур ҳисобот балансида фаолият юритаётган ва қурилаётган шахталар ва кесмлар бўйича  $A + B + C_1$  ва  $C_2$  тоифалардаги кўмир ва ёнувчи сланецларнинг захиралари миқдори тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади, бунда ишлатилаётган горизонтлардаги захиралар ажратиб кўрсатилади.

34. Кўмир ва ёнувчи сланецлар захиралари миқдорининг ўзгариши (кўпайиши ёки камайиши) тегишлича  $A + B + C_1$  ва  $C_2$  тоифалар кесимида қуйидагилар бўйича кўрсатилади:

кўмир ва ёнувчи сланецларнинг қазиб олинishi ва йўқотилиши;  
геология-разведка ишлари натижасида аниқланган захиралар;  
захираларнинг Давлат комиссиясида тасдиқлаш чоғида кўпайиши ёки камайиши;

бир тоифадан бошқасига ўтказилиши сабабли захираларнинг ўзгариши.

35. Кўмир захиралари нав (марка)лари ва технологик гуруҳлари бўйича тақсимланиши зарур.

36. Ҳисобот балансида очиқ усулда қазиб олишга яроқли бўлган кўмир ва ёнувчи сланецлар ажратиб кўрсатилади.

#### **5-§. Нефть захиралари ҳисобот балансларини тузиш**

37. Нефть захиралари ҳисобот баланси мазкур Йўриқноманинг 7-иловасига мувофиқ шаклда тузилади.

38. Мазкур ҳисобот балансида  $A + B + C_1$  ва  $C_2$  тоифаларига оид нефть захираларининг ўтган йилдаги ва ҳисобот йили бошидаги ҳолати бўйича миқдори кўрсатилади.

39. Нефть захиралари миқдорининг ўзгариши (кўпайиши ёки камайиши) уларни қазиб олиш, разведка, қайта баҳолаш, бир ер қаъридан фойдаланувчиси балансидан бошқа ер қаъридан фойдаланувчининг балансига ўтказиш ҳамда қазиб чиқаришдаги йўқотишлар тегишлича  $A + B + C_1$  ва  $C_2$  тоифалари бўйича кўрсатилади.

Нефть захиралари миқдорининг балансидаги захиралардан балансдан ташқари захираларга ўтказилиши тегишлича  $A + B + C_1$  ва  $C_2$  тоифалари кесимида қуйидагилар бўйича кўрсатилади:

ҳисобдан чиқарилган ёки ер қаъридан фойдаланувчилар балансидаги иқтисодий ва тоғ-кон геологик шароитларнинг ўзгариши оқибатида қазиб олиш учун иқтисодий нуқтаи назардан мақсадга мувофиқ эмас деб топилган балансдан ташқари захираларга ўтказилган захиралар;

ер қаъридан фойдаланувчи томонидан лойиҳалаштириш чоғида асосланган техник-иқтисодий сабабларга кўра қазиб олиш учун мақсадга мувофиқ эмас деб топилиб, ҳисобдан чиқарилган захиралар;



кўшимча геология-разведка ишлари амалга оширилмаган ҳолда қатлам (уюм) параметрларининг қайта кўриб чиқилиши сабабли, ҳисобланган захираларининг ўзгариши (кўпайиши ёки камайиши).

40. Ҳисобот балансида кўрсатилган маълумотлар қуйидагича текширилади:

$A + B + C_1$  тоифадаги захиралар учун — ўтган йилнинг 1 январь кунинда ҳисобда бўлган нефть захиралари миқдоридан (6-устун) ҳисобот йилида қазиб чиқарилган нефть захиралари миқдори (8-устун) айирилади ва айирмага(дан) разведка (9-устун), қайта баҳолаш (10-устун) ва тасдиқланмаган захираларни ҳисобдан чиқариш ишлари натижасида олинган нефть захиралари миқдори (11-устун) қўшилади (ёки ундан айириб ташланади) ва унинг натижаси ҳисобот йилидаги мавжуд нефть захиралари миқдорига (12-устун) тенг бўлиши зарур;

$C_2$  тоифадаги захиралар учун — ўтган йилнинг 1 январь кунинда ҳисобда бўлган нефть захиралари миқдорига(дан) (7-устун) ҳисобот йилида разведка (9-устун), қайта баҳолаш (10-устун) ва тасдиқланмаган захираларни ҳисобдан чиқариш ишлари натижасида олинган нефть захиралари миқдори (11-устун) қўшилади (ёки ундан айириб ташланади) ва унинг натижаси ҳисобот йилидаги мавжуд нефть захиралари миқдорига (13-устун) тенг бўлиши зарур.

### **6-§. Конденсат захиралари ҳисобот балансини тузиш**

41. Конденсат захиралари ҳисобот баланси мазкур Йўриқноманинг 8-иловасига мувофиқ шаклда тузилади.

42. Мазкур ҳисобот балансида  $A + B + C_1$  ва  $C_2$  тоифаларига оид конденсат захираларининг ўтган йилдаги ва ҳисобот йили бошидаги ҳолати бўйича миқдори кўрсатилади.

43. Конденсат захиралари миқдорининг ўзгариши (кўпайиши ёки камайиши) уларни қазиб олиш, разведка, қайта баҳолаш, бир ер қаъридан фойдаланувчиси балансида бошқа ер қаъридан фойдаланувчининг балансида ўтказиш ҳамда қазиб чиқаришдаги йўқотишлар тегишлича  $A + B + C_1$  ва  $C_2$  тоифалари кесимида кўрсатилади.

44. Ҳисобот балансида қазиб чиқарилган конденсат захираларининг йўқотилиши бўйича кўрсаткич ёзилиши шарт. Ушбу кўрсаткич меъёрландиган ва меъёрланмайдиган йўқотишлардан, шунингдек газ қувурларига келувчи газнинг таркибидаги  $C_5 +$  ва ундан юқори бўлган қолдиқ концентрациялардан ташкил топади.

45. Газ қатлами таркибида мавжуд бўлган конденсат захираларининг кўпайиши бўйича кўрсаткич қўшимча равишда газ захиралари ҳисобот балансида акс эттирилади.

46. Ҳисобот балансида кўрсатилган маълумотлар қуйидагича текширилади:

$A + B + C_1$  тоифадаги захиралар учун — ўтган йилнинг 1 январь кунинда

да ҳисобда бўлган конденсат захиралари миқдоридан (7-устун) ҳисобот йилида қазиб чиқарилган (9-устун) ва йўқотилган конденсат захиралари миқдори (10-устун) айирилади ва айирмага(дан) разведка (11-устун), қайта баҳолаш (12-устун) ва тасдиқланмаган захираларни ҳисобдан чиқариш ишлари натижасида олинган конденсат захиралари миқдори (13-устун) қўшилади (ёки ундан айириб ташланади) ва унинг натижаси ҳисобот йилидаги мавжуд конденсат захиралари миқдорига (14-устун) тенг бўлиши зарур;

$C_2$  тоифадаги захиралар учун — ўтган йилнинг 1 январь кунда ҳисобда бўлган конденсат захиралари миқдорига(дан) (8-устун) ҳисобот йилида разведка (11-устун), қайта баҳолаш (12-устун) ва тасдиқланмаган захираларни ҳисобдан чиқариш ишлари натижасида олинган конденсат захиралари миқдори (12-устун) қўшилади (ёки ундан айириб ташланади) ва унинг натижаси ҳисобот йилидаги мавжуд конденсат захиралари миқдорига (15-устун) тенг бўлиши зарур.

### 7-§. Газ захиралари ҳисобот балансини тузиш

47. Газ захиралари ҳисобот баланси мазкур Йўриқноманинг 9-иловасига мувофиқ шаклда тузилади.

48. Мазкур ҳисобот балансида  $A + B + C_1$  ва  $C_2$  тоифаларига оид газ захираларининг ( $C_5$  + тоифасига оид ва ундан юқори бўлган барқарор конденсат захираларини ҳисобга олмаган ҳолда) ўтган йилдаги ва ҳисобот йили бошидаги ҳолати бўйича миқдори кўрсатилади.

49. Газ захиралари миқдорининг ўзгариши (кўпайиши ёки камайиши) уларни қазиб олиш, разведка, қайта баҳолаш, бир ер қаъридан фойдаланувчиси балансидан бошқа ер қаъридан фойдаланувчининг балансига ўтказиш, сайклинг жараёни ҳамда қазиб чиқаришдаги йўқотишлар тегишлича  $A + B + C_1$  ва  $C_2$  тоифалари кесимида кўрсатилади.

50. Қазиб чиқарилган газ захиралари миқдорига фақат саноат ва хўжалик мақсадларда фойдаланиш учун мўлжалланган газ миқдори киритилади, фойдаланилмайдиган газнинг қолган қисми йўқотилган ҳисобланади.

51. Ҳисобот балансида газ захиралари таркибида мавжуд бўлган сероводород таркибли газ захиралари алоҳида кўрсатилади.

52. Ҳисобот балансида кўрсатилган маълумотлар қуйидагича текширилади:

$A + B + C_1$  тоифадаги захиралар учун — ўтган йилнинг 1 январь кунда ҳисобда бўлган газ захиралари миқдоридан (6-устун) ҳисобот йилида қазиб чиқарилган (8-устун) ва йўқотилган газ захиралари миқдори (9-устун) айирилади ва айирмага(дан) разведка (10-устун), қайта баҳолаш (11-устун) ва тасдиқланмаган захираларни ҳисобдан чиқариш ишлари натижасида олинган газ захиралари миқдори (12-устун) қўшилади (ёки ундан айириб ташланади) ва унинг натижаси ҳисобот йилидаги мавжуд газ захиралари миқдорига (13-устун) тенг бўлиши зарур;

$C_2$  тоифадаги захиралар учун — ўтган йилнинг 1 январь кунда ҳисобда бўлган газ захиралари миқдорига(дан) (7-устун) ҳисобот йилида развед-

ка (10-устун), қайта баҳолаш (11-устун) ва тасдиқланмаган захираларни ҳисобдан чиқариш ишлари натижасида олинган газ захиралари миқдори (12-устун) қўшилади (ёки ундан айириб ташланади) ва унинг натижаси ҳисобот йилидаги мавжуд газ захиралари миқдорига (14-устун) тенг бўлиши зарур.

### **8-§. Этан, пропан, бутан захиралари ҳисобот балансларини тузиш**

53. Этан, пропан, бутан захиралари ҳисобот баланси мазкур Йўриқноманинг 10-иловасига мувофиқ шаклда тузилади.

54. Мазкур ҳисобот балансида  $A + B + C_1$  ва  $C_2$  тоифаларига оид этан, пропан, бутан захираларининг ўтган йилдаги ва ҳисобот йили бошидаги ҳолати бўйича миқдори кўрсатилади.

55. Этан, пропан, бутан захиралари миқдорининг ўзгариши (кўпайиши ёки камайиши) уларни қазиб олиш, разведка, қайта баҳолаш, бир ер қаъридан фойдаланувчиси балансидан бошқа ер қаъридан фойдаланувчининг балансига ўтказиш ҳамда қазиб чиқариш вақтидаги йўқотишлар тегишлича  $A + B + C_1$  ва  $C_2$  тоифалари кесимида кўрсатилади.

56. Ҳисобот балансида қазиб чиқарилган газ захираларидан ажратиб олинган, шунингдек газ захиралари йўқотилиши натижасида йўқотилган захиралар таркибидаги этан, пропан ва бутаннинг миқдори кўрсатилади. Қазиб чиқарилган (йўқотилган) этан, пропан ва бутаннинг ҳажми уларнинг газ таркибидаги потенциал миқдорининг қазиб олинган (йўқотилган) газ ҳажмига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

57. Мазкур ҳисобот баланси этан, пропан, бутан захиралари бўйича бир вақтда тўлдирилади.

58. Ҳисобот балансида кўрсатилган маълумотлар қуйидагича текширилади:

$A + B + C_1$  тоифадаги захиралар учун — ўтган йилнинг 1 январь кунинда ҳисобда бўлган этан, пропан, бутан захиралари миқдоридан (7-устун) ҳисобот йилида қазиб чиқарилган ва йўқотилган этан, пропан, бутан захиралари миқдори (9-устун) айирилади ва айирмага(дан) разведка (10-устун), қайта баҳолаш (11-устун) ва тасдиқланмаган захираларни ҳисобдан чиқариш ишлари натижасида олинган газ захиралари миқдори (12-устун) қўшилади (ёки ундан айириб ташланади) ва унинг натижаси ҳисобот йилидаги мавжуд газ захиралари миқдорига (13-устун) тенг бўлиши зарур;

$C_2$  тоифадаги захиралар учун — ўтган йилнинг 1 январь кунинда ҳисобда бўлган этан, пропан, бутан захиралари миқдорига(дан) (8-устун) ҳисобот йилида разведка (10-устун), қайта баҳолаш (11-устун) ва тасдиқланмаган захираларни ҳисобдан чиқариш ишлари натижасида олинган этан, пропан, бутан захиралари миқдори (12-устун) қўшилади (ёки ундан айириб ташланади) ва унинг натижаси ҳисобот йилидаги мавжуд газ захиралари миқдорига (14-устун) тенг бўлиши зарур.

### 9-§. Олтингургурт захиралари ҳисобот балансини тузиш

59. Олтингургурт захиралари ҳисобот баланси мазкур Йўриқноманинг 11-иловасига мувофиқ шаклда тузилади.

60. Мазкур ҳисобот балансида  $A + B + C_1$  ва  $C_2$  тоифаларига оид олтингургурт захираларининг ўтган йилдаги ва ҳисобот йили бошидаги ҳолати бўйича миқдори кўрсатилади.

61. Олтингургурт захиралари миқдорининг ўзгариши (кўпайиши ёки камайиши) уларни қазиб олиши, разведка, қайта баҳолаш, бир ер қаъридан фойдаланувчиси балансидан бошқа ер қаъридан фойдаланувчининг балансига ўтказиш ҳамда қазиб чиқаришдаги йўқотишлар тегишлича  $A + B + C_1$  ва  $C_2$  тоифалари кесимида кўрсатилади.

62. Ҳисобот балансида қазиб чиқарилган газ захираларидан ажратиб олинган, шунингдек газ захиралари йўқотилиши натижасида йўқотилган захиралар таркибидаги олтингургуртнинг миқдори кўрсатилади. Қазиб чиқарилган (йўқотилган) олтингургуртнинг ҳажми унинг газ таркибидаги потенциал миқдорининг қазиб олинган (йўқотилган) газ ҳажмига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

63. Ҳисобдан чиқарилаётган олтингургурт захиралари ҳажми ҳисобдан чиқарилаётган газ захиралари таркибидаги олтингургурт миқдорига мос келиши ва у ҳисоб-китоблар билан асосланган бўлиши лозим.

64. Ҳисобот балансида кўрсатилган маълумотлар қуйидагича текширилади:

$A + B + C_1$  тоифадаги захиралар учун — ўтган йилнинг 1 январь кунинда ҳисобда бўлган олтингургурт захиралари миқдоридан (7-устун) ҳисобот йилида қазиб чиқарилган ва йўқотилган олтингургурт захиралари миқдори (9-устун) айирилади ва айирмага(дан) разведка (10-устун), қайта баҳолаш (11-устун) ва тасдиқланмаган захираларни ҳисобдан чиқариш ишлари натижасида олинган олтингургурт захиралари миқдори (12-устун) қўшилади (ёки ундан айириб ташланади) ва унинг натижаси ҳисобот йилидаги мавжуд олтингургурт захиралари миқдорига (13-устун) тенг бўлиши зарур;

$C_2$  тоифадаги захиралар учун — ўтган йилнинг 1 январь кунинда ҳисобда бўлган олтингургурт захиралари миқдорига(дан) (8-устун) ҳисобот йилида разведка (10-устун), қайта баҳолаш (11-устун) ва тасдиқланмаган захираларни ҳисобдан чиқариш ишлари натижасида олинган олтингургурт захиралари миқдори (12-устун) қўшилади (ёки ундан айириб ташланади) ва унинг натижаси ҳисобот йилидаги мавжуд газ захиралари миқдорига (14-устун) тенг бўлиши зарур.

### 10-§. Гелий захираларини ҳисобот балансларини тузиш

65. Гелий захиралари ҳисобот баланси мазкур Йўриқноманинг 12-иловасига мувофиқ шаклда тузилади.

66. Мазкур ҳисобот балансида  $A + B + C_1$  ва  $C_2$  тоифаларига оид гелий захираларининг ўтган йилдаги ва ҳисобот йили бошидаги ҳолати бўйича миқдори кўрсатилади.

67. Гелий захиралари миқдорининг ўзгариши (кўпайиши ёки камайиши) уларни қазиб олиш, разведка, қайта баҳолаш, бир ер қаъридан фойдаланувчиси балансида бошқа ер қаъридан фойдаланувчининг балансига ўтказиш ҳамда қазиб чиқаришдаги йўқотишлар тегишлича  $A + B + C_1$  ва  $C_2$  тоифалари кесимида кўрсатилади.

68. Ҳисобот балансида қазиб чиқарилган газ захираларидан ажратиб олинган, шунингдек газ захиралари йўқотилиши натижасида йўқотилган захиралар таркибидаги гелийнинг миқдори кўрсатилади. Қазиб чиқарилган (йўқотилган) гелийнинг ҳажми унинг газ таркибидаги потенциал миқдорининг қазиб олинган (йўқотилган) газ ҳажмига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

69. Ҳисобдан чиқарилаётган гелий захиралари ҳажми ҳисобдан чиқарилаётган газ захиралари таркибидаги гелий миқдорига мос келиши ва у ҳисоб-китоблар билан асосланган бўлиши лозим.

70. Ҳисобот балансида кўрсатилган маълумотлар қуйидагича текширилади:

$A + B + C_1$  тоифадаги захиралар учун — ўтган йилнинг 1 январь кунда ҳисобда бўлган гелий захиралари миқдоридан (7-устун) ҳисобот йилида қазиб чиқарилган ва йўқотилган гелий захиралари миқдори (9-устун) айирилади ва айирмага(дан) разведка (10-устун), қайта баҳолаш (11-устун) ва тасдиқланмаган захираларни ҳисобдан чиқариш ишлари натижасида олинган гелий захиралари миқдори (12-устун) қўшилади (ёки ундан айириб ташланади) ва унинг натижаси ҳисобот йилидаги мавжуд олтингугурт захиралари миқдорига (13-устун) тенг бўлиши зарур;

$C_2$  тоифадаги захиралар учун — ўтган йилнинг 1 январь кунда ҳисобда бўлган гелий захиралари миқдорига(дан) (8-устун) ҳисобот йилида разведка (10-устун), қайта баҳолаш (11-устун) ва тасдиқланмаган захираларни ҳисобдан чиқариш ишлари натижасида олинган гелий захиралари миқдори (12-устун) қўшилади (ёки ундан айириб ташланади) ва унинг натижаси ҳисобот йилидаги мавжуд газ захиралари миқдорига (14-устун) тенг бўлиши зарур.

#### 4-боб. Якуний қоидалар

71. Ер қаъридан фойдаланувчилар ҳисобот балансларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилиги учун масъул ҳисобланади.

72. Мазкур Йўриқнома «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси, «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси, «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси, «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти, «Ўзбеккўмир» акциядорлик

жамияти ва «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси билан келишилган.

*«Саноатгеоконтехназорат»  
давлат инспекцияси бошлиғи*

**Б. ГУЛЯМОВ**

*2015 йил 29 июнь*

*«Навоий кон-металлургия  
комбинати» давлат корхонаси  
бош директори*

**Қ. САНАҚУЛОВ**

*2015 йил 29 июнь*

*«Ўзбекнефтегаз» миллий  
холдинг компанияси раиси*

**Ш. ФАЙЗУЛЛАЕВ**

*2015 йил 30 июнь*

*«Олмалиқ кон-металлургия  
комбинати» акциядорлик жамияти  
бош директори*

**А. ФАРМОНОВ**

*2015 йил 30 июнь*

*«Ўзбеккўмир» акциядорлик  
жамияти бош директори*

**Ш. ПУЛАТОВ**

*2015 йил 1 июль*

*«Ўзқурилишматериаллари»  
акциядорлик компанияси раиси*

**Э. АКРАМОВ**

*2015 йил 1 июль*

Ўзбекистон Республикаси фойдали  
қазилмалари захираларини ҳисобга олиш ва  
ҳисобот балансларини тузиш бўйича  
йўриқномага  
1-ИЛОВА

**Ҳисобот балансларини тузишда қўлланиладиган  
ЎЛЧОВ БИРЛИКЛАРИ**

Т/р	Фойдали қазилма номи	Ўлчов бирлиги
1.	Асбест	маъдан, минг т / асбест, минг т
2.	Абразивлар: а) гранат ва корунд б) наждак	маъдан, минг т / минерал, минг т маъдан, минг т
3.	Барит	маъдан, минг т
4.	Бентонитли гил	маъдан, минг т
5.	Бром	қўллардаги тош тузи захира- лари — минг т, чуқурликдаги сувларда — минг куб. м / сутка; бром қазиб чиқариш — минг т, сув қазиб чиқариш — минг куб. м / сутка
6.	Битум (қатрон)	минг т
7.	Брусит	минг т
8.	Ванадий	маъдан, минг т / V <sub>2</sub> O <sub>5</sub> , минг т
9.	Вермикулитли маъданлар	маъдан, минг т / вермикулит, минг т
10.	Висмут	маъдан, минг т / висмут, т
11.	Вольфрам	маъдан, минг т / WO <sub>3</sub> , т
12.	Юқори глиназёмли хом ашё (алунит, диаспор, андалузит)	маъдан, минг т
13.	Гипс, ангидрит ва гипсоангидрит (ганч, гаж)	минг т
14.	Адсорбцион гиллар	минг т
15.	Бургулаш қоришмалари учун гиллар	минг т
16.	Дағал керамика учун гиллар	минг т
17.	Уюмлаб ишқорлаш остига тўшама учун гиллар	минг т
18.	Ўтга чидамли гиллар	минг т
19.	Графит	маъдан, минг т / графит, минг т
20.	Темир	маъдан, минг т / темир, минг т
21.	Олтин	маъдан, минг т / қум, минг куб. м / олтин, кг
22.	Оҳак тайёрлаш учун оҳактош	минг куб.м
23.	Флюсли оҳактош	минг т
24.	Олтин таркибли маъданларни бойитишда фойдаланиш учун оҳактош	минг т

Т/р	Фойдали қазилма номи	Ўлчов бирлиги
25.	Йод	чуқурликдаги сувларда — минг куб. м / сутка; йод қазиб чиқариш, сув қазиб чиқариш — минг куб. м / сутка
26.	Тошда қуйиш учун, кислотага чидамли тошлар (андезитлар, базальтлар ва б.)	минг куб. м
27.	Қурилиш тошлари	минг куб. м
28.	Арраланадиган тош	минг куб. м
29.	Чинни тоши	минг т
30.	Каолин	минг т
31.	Кварц ва кварцитлар	минг т
32.	Керамзитли хом ашё	минг куб. м
33.	Ғишт-черепица ва аглопоритли хом ашё	минг куб. м
34.	Конденсат	минг т
35.	Литий	маъдан, минг т / $Li_2O$ , минг т
36.	Марганецли маъданлар	минг т
37.	Мис	маъдан, минг т / мис, минг т
38.	Бўрсимон жинслар	минг т
39.	Минерал бўёқлар (мумиё, охра, сурик, умбра, вивианит, глауконит ва бошқалар)	минг т
40.	Молибден	маъдан, минг т / молибден, т
41.	Нефть	минг т
42.	Ниобий	маъдан, минг т / $Nb_2O_5$
43.	Озокерит	т
44.	Қалай	маъдан, минг т / қалай, т
